

тарзда бажарилмаган ҳолларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулудда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра иқтисодий судларда ёки “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо ҳакамлик судида ҳал қилинганида суднинг регламенти ва Низомига кўра ҳал қилинади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи: ҳакамлик суди томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси 1 нафар ҳакамлик судьяси томонидан ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

5.5 Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 5.4-бандида кўрсатилган тартибда “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади.

## VI. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари

6.1. Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

6.2. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш далолатномасига асосан, жорий йилнинг 1 октябридан кейинги йилнинг 1 октябригача бўлган давр учун тузилади ҳамда жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёқилги ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергиясини (кВт соатда) чеклаш жадвали. Жадвалда электр энергия истеъмолини истеъмолчиларнинг технологик бронигача, кейинчалик эса авария бронигача (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) ва бунда истеъмолни 5 та навбатга бўлган ҳолда қисқартириш назарда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида қувват етишмаганда қувватни (кВтда) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг катта юкламалари юзага келадиган соатларда истеъмол қилинадиган қувватни истеъмолчиларнинг авария бронигача камайтириш ва бунда истеъмол қилинадиган қувватни 5 та навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим;

қувват тақчиллиги юзага келиши натижасида авария хавфи пайдо бўлганда ва чеклаш жадвалларини жорий қилиш имконияти бўлмаганда, қувватни чеклаш